ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ БИЛАН!

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. | № 300 (7. 389) | 1990 йил 31 декабрь, душанба | Баҳоси 3 тийин.



### «Оқшом» рўйхатга олинди

29 ДЕКАБРДА ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ ТОМОНИДАН «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» РЎЗНОМАСИ РЎЙХАТГА ОЛИНГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА 000037-ГУВОҲНОМА ТОПШИРИЛДИ. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ВА ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҚЎМИТАСИ РЎЗНОМА МУАССИСЛАРИ БЎЛДИЛАР.



Охунбобоев номли бош кийимлар фабрикаси тикувчи-мотористкаси Нозима Яминхўжаева ўз жамоасида илғорлардан саналади. У Янги йилни ўз режа ва топшириқларини ошириб бажариш билан кутиб олмоқда.

Т. Каримов сурати.

## МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

**ШАҲРИМИЗНИНГ ЙИРИК КОРХОНАСИ — ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИДА БИРИНЧИ БЎЛИБ КОРХОНАНИНГ ПЕШҚАДАМ ИШЛАБ ЧИҚАРИШЛАРИДАН БИРИ — 2-ЙИГИРУВ-ТЎҚУВ ФАБРИКАСИНИНГ 3-ЦЕХИ ЖАМОАСИ ЙИЛЛИК ПЛАННИ МУВАФФАҚИЯТЛИ УДДАЛАШДИ**

Планда белгиланган 8 миллион 600 минг метр хом сурп ўрнига жамоада 8 миллион 700 минг метр хом сурп ишлаб чиқарилди.

— Ишлаб чиқарган маҳсулотимизнинг 6 миллион 800 минг метрини фақат олий навга топширишни кўзда тутгандик, — дейди биз билан суҳбатда цех бошлиғи Шавкат Жонибеков. — Олий навга топширилган хом сурпимиз 7 миллион 430 минг метрни ташкил этди. Бу ютуқда жамоамизнинг илғор тўқувчилари Н. Антипенко, Н. Белая, Г. Хайруллина ва М. Шокирова ҳамда пешқадам созловчи, мастер ёрдамчилари Й. Мадаминов, Н. Ғозимзенов, О. Йўлдошев ва Х. Эргашевлар алоҳида ўрнак кўрсатишди. Шунингдек, цехда меҳнатнинг тўғри ташкил этилиши ҳам М. Миразимов ва Г. Воробьева каби моҳир смена етакчиларига боғлиқ бўлди.

Кўп минг кишилик тўқимачилик корхонасида ягона пешқадам жамоа саналаётган мазкур цех ишчилари эндиликда мажбурият ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда.

**М. СОТТИЕВА,**

**кўп нусхали «Тўқимачилар овози» рўзномаси ходими.**

## Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида

29 декабрь куни Вазирлар Маҳкамасининг вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, концернлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон МССЖ Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоят ижроия қўмиталарининг, Тошкент шаҳар ижроия қўмитасининг раислари иштирокидаги мажлисида ҳозирги йилни туғаллаш ҳамда 1991 йилнинг биринчи чорагида жумҳурият халқ хўжалиги барқарор ишлашини таъминлашнинг кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлари кўриб чиқилди.

Янги йилнинг бошида жумҳуриятни пул билан таъминлаш, иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Шу билан бир вақтда жумҳурият аҳолисини озиқ-овқат, иссиқлик, электр энергия билан таъминлашнинг ва қиш даврида транспорт хизматини яхшилашнинг кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлари мажмуи кўриб чиқилди.

Мажлисда Ўзбекистон ССЖ Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Мажлис ҳақидаги ҳисобот газеталарнинг навбатдаги сонларидан бирида эълон қилинади.

**(ЎзТАГ).**

# МИННАТДОРЧИЛИК ВА ИСТАКЛАР...

## *Ўзбекистон ССЖ Президенти номига қандай хатлар келмоқда?*

**● Яқинда сайланган Ўзбекистон ССЖ Президенти ташвишлари бошидан ошиб ётганлигини жуда яхши биламиз. Жумҳуриятнинг олдинги раҳбарларидан унга ҳавас қилиб бўлмайдиган «мерос»—мувозанати бузилган иқтисодиёт, очиғини айтганда, ночор ҳолдаги ижтимоий соҳа, ҳамма нарсанинг тақчиллиги, қишлоқ хўжалигида пахтанинг устунлиги «мероси» қолди... Ўзбекистон меҳнатчиларининг турмуш даражасига дахлли ҳар қандай масалани ҳал этишда сусткашлик қилиб бўлмайди. Жумҳуриятдаги аҳволни биз ҳаммамиз кутганимиздек тартибга солиш учун бир кеча-кундузда 25 соат бўлса ҳам етмайди.**

Шунга қарамай, Президент ҳар куни кўп вақтини келаётган хатларни ўқишга сарфлайди. Хатлар эса жумҳуриятнинг ҳар томонидан: вилоят марказларидан ва олис қишлоқлардан, шаҳарлар ва қишлоқ жойлардан юзлаб келиб турибди. Уларнинг ҳар бирида хусусий кулфатлар баён қилинган ёки бутун Ўзбекистон учун аҳамиятга молик таклиф айтилган, халқ фаровонлигини ошириш йўлини қатъият билан ўтказиш истаги баён қилинган ёки чиқарилган Фармон маъқулланган, ветеранлар эҳтиёжларига эътибор берганлиги учун миннатдорчилик билдирилган ёки олимнинг халқ хўжалигида катта аҳамиятга эга кашфиётини жорий этишда кўмаклашиш илтимос қилинган.

Мана, бир мисол. Самарқанд кооператив илмгоҳининг ректори, иқтисод фанлари доктори А. Солиев И. А. Каримовга хат ёзиб, унда доцент М. Ҳасановнинг кашфиёти ҳақида қисқача сўзлаб берган. Унинг гапларига қараганда бу кашфиёт «халқ хўжалиги тармоқларида физик кимё ва аэрогидродинамика ютуқларидан фойдаланишда янги даврни бошлаб беради». Озиқ-овқат, донни қайта ишлаш, пахтани қайта ишлаш, ёғ-мой, қазилма, кимё, энергетика ва авиация тармоқларида, қишлоқ хўжалигида ихтирони синаб кўриш унинг иқтисодий, технология ва экология самараси катта эканлигини кўрсатди.

Ҳамма иллат шундаки, иш синовдан нарига ўтмаяпти. Шу сабабли ректор ёрдам сўраб жумҳурият Президентига мурожаат қилган.

Хат матнида иккита белги бор: рўйхатга олинган рақам ва назорат тамғаси бўлиб, унда ижро этишнинг аниқ муддати қўйилган. Президент қандай ҳокимиятга эга бўлмасин, бундай мураккаб масалада жумҳуриятнинг таниқли олимлари, халқ хўжалиги манфаатдор тармоқларининг раҳбарлари ва мутахассислари билан маслаҳатлашмай қарор қабул қила олмайди, албатта. Шу сабабли ректорнинг мактуби нусхалари Ўзбекистон ССЖ қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив қўмитасининг раиси И. Ҳ. Жўрабековга ва жумҳурият Фанлар академиясининг президенти М. С. Салоҳиддиновга юборилди.

Белгилаб қўйилган муддатда улардан жавоб олинди: «Қўмита манфаатдор ташкилотлар билан келишиб, мазкур хўжалик шартномасига оид мавзуни илмий тадқиқот ишлари режасига киритди ва уни амалга ошириш учун маблағ ажратди». Шугина эмас, «Қўмита илмий-ишлаб чиқариш марказини барпо этишга қарши эмас ва деҳқончилик-саноат комплекси манфаатларига дахлдор муаммоларни ҳал этишда қатнашишга тайёрдир». Шу тариқа иш юришиб кетди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. «Узплемживобъединение»нинг бўлим бошлиғи У. Саидов ўз хатида бозор муносабатларига ўтишга тайёргарлик ишларини тезлаштириш юзасидан таклиф киритди. Бу таклифларнинг баъзиларини жумҳуриятнинг таниқли мутахассислари аҳволни барқарорлаштиришнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш чоғида ҳисобга олдилар, баъзилари эса бошқаларнинг таклифларини такрорлашдан иборат эди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасида бўлиб ўтган суҳбат чоғида У. Саидовга бу ҳақда хабар қилинди.

Президентга ёзилган бирорта ҳам мактуб жавобсиз қолмайди. Масалан, тошкентлик коммунист Н. Ғайбуллаев жиноятчилик кўпайганлигидан, ички ишлар идораларининг ишида фаоллик бўшашганлигидан ташвишланади. Уни суҳбатга таклиф қилишди, бу соҳада кўрилаётган чоралар тўғрисида батафсил сўзлаб беришди, унинг барча таклифларини эътибор билан таҳлил этишди.

Хатда шахсий муаммо тўғрисида гап борса ҳам, барибир у назорат остига олинади. Участка милиционери билан муносабати бузилган Л. Д. Қосимовнинг хати шундай назорат остига олинди. Жумҳурият ички ишлар вазирига шикоятни текшириш ва чора кўриш топширилди. Участка милиционерини бошқа соҳага ишга ўтказишга қарор қилинди.

Аммо барча шикоятлар юзасидан тезда аниқ чоралар кўриш мумкинми? Мана, уруш ногирони А. Г. Гуриннинг мактуби. У Вильнюс шаҳрида яшаётганида ССЖИ Президенти М. С. Горбачев бошчилигидаги делегация таркибида И. А. Каримов Вильнюсга борган вақтда уни кўрган. Жумҳуриятимиз раҳбарининг нутқи ветеранга мақбул бўлган, бинобарин, у нима учундир жумҳурият Президенти унга, албатта, квартира беради, деб ўйлаган. Шу тариқа Тошкентга борсам, «Вильнюсдаги квартирамга тенг квартира берасиз» деб ёзган. Лекин бундай мурожаатнинг мантиқига тушуниш қийин: Президент квартира тақсимлаш билан шуғулланмайди, Ўзбекистонда, айниқса, Тошкентда уй-жой олиш учун навбатда турганлар жуда кўп. Аммо Улуғ Ватан уруши қатнашчиси сочиннинг оқини ҳурмат қилганда ҳам, унинг хатидан ажабланмай бўлмайди. Фронтчилар учун ҳозир кўп иш қилинаётган бўлса ҳам, уларнинг ҳаммаси шинам уй-жой билан таъминланган, деб бўлмайди.

Ўзбекистон ССЖ Президенти номига келаётган хатларнинг бир қисми, очиғини айтганда, кишини ажаблантиради. Мана, Самарқанднинг Фрунзе кўчасида яшовчи фуқаролар О. Сирли ва Каденцевдан келган хат. Сиёбча ариғи уларнинг ҳаётини «...заҳарламоқда». Ёмғир ёғиб ўтса сув тошиб, коммунал уйларни босиб кетмоқда. Одамлар уйни мустақил ремонт қилиш имкониятига эга эмаслар, улар ҳашарга чиққанларида ҳам техника, мутахассислар, материаллар зарур. Улар шаҳар сув қувури идорасига, область сув хўжалиги ташкилотига, Боғишамол райижроқўми раиси Т. Нормуҳамедовга, шаҳар ижроия қўмитасининг ободончилик бўлимига, вилоят ижроия қўмитасига, шаҳар ва вилоят партия қўмиталарига ёрдам сўраб бир неча бор мурожаат қилишган. Аммо натижа йўқ. Улар хатларга ё аниқ жавоб қилишмайди ёки умуман жавоб беришмайди.

Маҳаллий ҳокимият шаҳар муаммолари билан шуғулланишга вақт топа олмаяпти ёки у ерда бутунлай масъулиятсиз кишилар ишлашади, деган тасаввур пайдо бўлмоқда. Ахир, улар барча кенгашларда, мажлисларда қайта қуриш ҳақида, инсонга, унинг талаб ва эҳтиёжларига эътиборни кучайтириш ҳақида оғиз кўпиртириб гапиришаётгандир. Одамлар бундай нутқларни эшитиб, амалий ишларга қиёслашади, шундан кейин қайта қуришга қандай ишонч ҳақида гап бўлиши мумкин. Ахир, фуқаролар ариқ билан боғлиқ «муаммо» хусусида жумҳурият Президентига мурожаат қилишга мажбур бўлишяпти.

Сиёбча ариғи билан боғлиқ муаммо ҳал қилиниши шубҳасиз— хат Ўзбекистон ССЖ Президенти девонида назорат остига олинди ва фуқароларнинг шикоятини менсимайдиган кишиларнинг жавоб беришларига тўғри келади. Бироқ ҳар бир ходим ўз хизмат вазифаларини қандай бажараётганлиги, қайси ишлари учун маош олаётгани ҳақида яна бир марта ўйлаб кўрса ёмон бўлмасди. Умуман, ўзи масъул бўлган ишга бефарқ қарайдиган бўлса, бу лавозимдан олиб ташлашларини кутмай, бошқа ишга ўтгани маъқулроқдир.

Президентга шахсий мурожаатларнинг анчагина қисми сўнгги вақтда чиқарилган фармонлар жойларда қандай ижро этилаётганини таҳлил қилишга бағишланган. Маълумки, ветеранлар, талабалар ва ўқувчи ёшларнинг, ёш келин ва куёвларнинг ҳаёти ва турмуши шароитини яхшилаш, ер участкалари ажратиш ҳақида ва бошқа муҳим қарорлар қабул қилинди. Фуқароларнинг хатлари (бу хатлар ҳар қандай давлат арбоби учун маълумотларнинг энг асосий ва тўғри манбаидир) аҳолининг ижтимоий жиҳатдан кам ҳимоя қилинган табақалари турмуш шароитини яхшилаш юзасидан кўрилаётган чораларни одамлар ҳамма жойда қизғин маъқуллаётганликларини кўрсатмоқда. Бироқ ҳамма жойда ҳам мансабдор шахслар Президент фармонлари қоидаларини амалга ошириш учун жон куйдириб ишлашмаяпти. Наманган вилоятидан О. Бердиев, А. Қодиров, Қашқадарёдан И. Турсунов ва бошқаларнинг хатларида Президент Фармонига қарамай, ижтимоий таъминот, маҳаллий Советлар ижроия қўмиталари аппаратларидаги айрим ходимлар партия, уруш ва меҳнат ветеранларининг эҳтиёжларига ҳамон лоқайдлик билан қараётганликлари маълум қилинади. Фармонда айтилган аниқ-равшан имтиёзларни белгилаб бериш масалалари жуда секинлик билан ҳал қилинмоқда, ижро муддатлари чўзиб юборилмоқда. Бундай маълумотлар ҳам Президент девонида назорат остига олинди.

Бунга зид мисоллар ҳам оз эмас. Тошкентликлар И. М. Ломакина, Л. Хўжаев, С. Ким, Р. Турсунов, самарқандликлар П. Газаров, И. Солиев, А. Нарзиқулов, Хоразм вилоятидан К. Ҳайитов ва бошқа жуда кўп кишилар ветеранлар учун берилган имтиёзлардан фойдаланаётганликларини айтиб, Президентга миннатдорчилик сўзларини ёзиб юборганлар. Улар Президентдан фақат одамларнинг фаровонлигини оширишга қаратилган йўлга қатъий амал қилишни, бузғунчи кучлар ҳаммамизни тўғри йўлдан оздиришларига йўл қўймасликни сўрамоқдалар.

Бир даста хатлар ва телеграммалар ёшлардан — талабалар, мактаб ва техникумларнинг ўқувчиларидан келган. Уларнинг ҳаммасида ғамхўрлик учун, партия ва ҳукуматнинг ёшлар муаммоларига доимий эътибори учун самимий миннатдорчилик билдирилган.

**● Бу хатларнинг ҳаммасида бир яхши истак бор: «Ҳорманг!» дейилади уларда. Ўзбекистон меҳнатчиларининг аксарияти бу фикрга қўшилади.**

**УЗБЕКИСТОН ССЖ ПРЕЗИДЕНТИ ДЕВОНИНИНГ УМУМИЙ БУЛИМИ.**

Муҳаррир устуни

# ҲУШ ҚОЛ, 90!

**Бугун, муҳтарам муштарий, қўлингизга «Оқшом»нинг бу йилги сўнгги сонини олиб турибсиз. Вақтнинг учқур отига қўнган Янги, 1991 йил остонада эшик қоқиб турибди.**

Йилнинг сўнгги куни шундай бир чўққики, унинг баландлигидан уч юз олтмиш беш кеча-кундузда босиб ўтилган йўл яққол гавдаланади. Виждонимиз олдида ҳалол бўлайлик: сўнгги одимларимизни қўяётган бу йўл ўта машаққатли, оғир-хатарли бўлди.

1986, ҳали беш йилликлар саноқда бўлган, уларнинг ўн иккинчиси бошланаётган йилда фақат ёрқин бўёқларда чизилган режаларда биз бугун етиб келган манзил нурафшон уфқлар йўлидаги энг йирик довондек тасаввур этиларди. Орзу қилиш ҳеч кимга ман қилинмаган. Бироқ кемани нотаниш уммонга бошлаган дарғаларимиз унда сув ости тоғлари, шиддатли тўлқинларга дуч келиш мумкинлиги, шундай ҳолларда қайси маёқ нажот келтириши ҳақида пухтароқ бош қотиришмаганга ўхшашади. Бунинг устига аввалги йилларда тезқор кемалардан анча ортда қолинса ҳам олға сари силжиб турган бизнинг оғир карвон кемамиз елканлари устунларига болта уриш бошланиб кетди. Шундай аҳволда ҳозирга келиб салкам 300 миллион аҳолини жойлаштириб олган кемамиз нечук бунчалик қаттиқ чайқалиши, сув кираётган бир тирқишни маҳкамламасдан иккинчиси пайдо бўлаётганлигига таажжубланишга ўрин йўқ.

Шукроналар бўлсинким, бу гирдоблар жумҳуриятимизни бироз четлаб ўтмоқда. Қўли қадоқ, саховат қалб халқимиз ҳали у, ҳали бу рўзномаю ойнома орқали тарқатилаётган, оғзига кучи етмаган айрим кишиларнинг турли минбарлардан айтаётган бўҳтону уйдирмаларига қарамасдан астойдил меҳнат қилди. Шу боис пахта хирмони қут-баракали бўлди, корхоналар ҳам шерикларнинг панд берганларига қарамасдан асосан бир маромда ишладилар, шаҳар ва қишлоқларда янги мавзелар, маҳаллалар қад кўтарди.

«Оқшом»нинг ўтган бир кам уч юз сонида меҳнат аҳлининг бу бунёдкорликлари, фидойиликлари ўз ифодасини топди, десак хато қилмаймиз. Айни пайтда биз жамоаларни, одамларни қовуштирган, эзгу мақсад сари бошлаган партия ташкилотлари, аста-секин ўз мавқеларини эгаллаётган Кенгашлар, бошқа жамоат ташкилотлари фаолиятини кенг ёритишга жиддий эътибор бердик.

1990 йилдаги янги-янги рукунлар, мавзулар, сиз, азиз муштарийларнинг таклифлари туфайли рўзнома юзини кўрди. Хусусан, ҳар ҳафта пайшанба кунлари «Одобнома» сабоқлари чоп этилмоқда. «Бугунги кун нафаси»нинг митти сатрларида курраи заминимизнинг юрак уриши сезилиб туради. Йил давомида маҳаллалар вакиллари ойда икки бор «Маҳалладош» билан ҳамсуҳбат бўлдилар. Таҳририят пойтахтнинг серқирра маданий ҳаётини ёритишга кўпроқ аҳамият бера бошлади. Муштарийлардан келаётган мактублар «Шанба оқшомлари», ҳуқуқ-тартибот органларининг фаолияти, жиноятчиликка қарши кураш мавзулари, анъанавий «Саломатлик ҳақида суҳбатлар», атроф-муҳит муҳофазаси уларга маъқул тушаётганлигидан далолат беради.

«Оқшом» дўстлари, ихлосмандларининг мадади, айниқса, бу йилги обуна пайтида сезилди. Обуна нархининг икки ярим баравар оширилганига қарамасдан уларнинг кўпчилиги рўзномага содиқ қолдилар. Шуни мамнуният билан айтиш керакки, ЯНГИ ЙИЛДАН БОШЛАБ «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» 79 МИНГ НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Бундай қўллаб-қувватлаш таҳририят учун 1991 — «Тошкент оқшоми» нашр этила бошланганининг 25 йиллиги нишонланадиган йилда айниқса қадрлидир. Биз «Оқшом»га билдирган ишончингизни янги ижодий изланишлар маҳсуллари билан оқлашимиз зарурлигини тўла ҳис этиб турибмиз. Рўзномамизнинг келгуси сонидаёқ шу изланишларнинг дастлабки меваларини ҳукмингизга ҳавола этмоқчимиз.

Инсон умидсиз яшай олмайди. Биз тўқсонинчи йил билан хайрлашар, XXI аср бўсағасидаги янги ўн йилликка қадам қўяр эканмиз, эртанги кунимиз бахтиёр, турмушимиз фаровон, юртимиз, умуман бутун жаҳон тинч бўлишига умидворлик билдирамиз.

КИРИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ДЎСТЛАР!

## ТО Бугунги кун нафаси

### ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

⊙ Тошкент шаҳар меҳр-шафқат ва саломатлик фонди ёлғиз уруш ва меҳнат фахрийлари, кўп болали оналар, байналмилалчи жангчиларнинг бир ярим минг оиласига Янги йил байрам совғалари топширди.

⊙ «Пахтакор» командасининг устозлари Б. Абдураимов, Ф. Новиков, А. Толибжонов ҳамда Наманганнинг «Навбаҳор» командаси бошлиғи А. Сулаймоновга Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган тренер фахрий унвонлари берилди.

### МАМЛАКАТИМИЗДА

⊙ Душанбеда Янги йилдан бошлаб комендантлик соати бекор қилинди.

⊙ Минскда Белоруссия билан Украина ўртасида ўн йилга мўлжалланган шартнома имзоланди.

⊙ ССЖИ мудофаа вазири вазият мураккаб бўлган минтақаларда хизматини ўтаётган офицерлар, прапоршчиклар, мичманлар ва аскарларга шахсий қуролларини олиб юришга рухсат берди.

⊙ «Футбол» ҳафтаномаси ўтказган сўровга кўра Москва «Динамо» командасининг 23 ёшли ярим ҳимоячиси Игорь Добровольский ССЖИнинг 1990 йилги энг яхши футболчиси, деб топилди.

### ХОРИЖДА

⊙ АҚШ Президенти Ж. Буш Совет Иттифоқиға озиқ-овқат ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш учун 1 миллиард доллар қарз бериш тўғрисидаги фармонга имзо чекди.

⊙ Ҳиндистон шимолида ёққан қалин қор натижасида қурбонлар рўй берди.

⊙ Келажакда НАТОнинг Европа қитъасидаги қўшинларини тахминан икки баравар қисқартириш мўлжалланаяпти.

⊙ Шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун 23-партияда А. Карпов рақибини 29-юришда таслим бўлишга мажбур қилди. Ҳисоб Г. Каспаров фойдасига 12:11.

Бугунги кун нафаси ТО

